

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўл ёзма ҳуқуқида
УДК 658.01:338.45:67/68

Сотволдиев Фахриёр Каримберди ўғли

**Енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини
ошириш йўллари**

5A230201 - “Менежмент” (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:
доцент Агламова Т.К.

Тошкент – 2019

Магистрлик диссертациясида енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини оширишнинг илмий, назарий-услубий асослари ўрганилган. Мавзуга оид назарий ва амалий масалаларни ҳал қилиш натижасида тадқиқот объекти бўлган SIRKECHITASHTEKSTIL МЧЖ қўшма корхонасида енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш бўйича илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

At the master's thesis, the scientific and theoretical foundations of increasing the volume of production and export of light industry enterprises were studied. As a result of the solution of theoretical and practical issues, the joint venture SIRKECHITASHTEKSTIL, which is a research object, has developed scientific and practical recommendations for increasing the volume of production and export in light industry enterprises.

Магистрлик диссертация иши "Менежмент" кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

9 - сонли баённома «18» май 2019 й.

Кафедра мудири

проф. Цулодоев Н.К.
(и.ш.ф.)

Имзо сана

Илмий раҳбар:

доц. Аммалова Т.Ҳ.
(илмий раҳбар и.ш.ф.)

Имзо сана

Такризчи:

Шамозарова Т.Б.
(такризчи и.ш.ф.)

Имзо сана

Магистрант:

Сорболдиев Р.К.
(магистрант и.ш.ф.)

Имзо сана

Мундарижа

Кириш.....	3
I боб. Енгил саноат корхоналарини ривожлантиришда ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини оширишнинг аҳамияти.....	8
1.1. Тўқимачилик ва енгил саноат тармоқларида экспорт салоҳиятининг миллий иқтисодиётдаги роли.....	8
1.2. Енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш мақсадлари.....	16
1.3. Енгил саноат корхоналарининг экспорт салоҳиятидан самарали фойдаланиш имкониятлари.....	22
I боб бўйича хулоса.....	29
II боб. Енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш таҳлили.....	30
2.1. SIRKECHI TASHTEKSTIL МЧЖ қўшма корхонасининг ижтимоий-иқтисодий тавсифи.....	30
2.2. SIRKECHI TASHTEKSTIL МЧЖ қўшма корхона фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларининг таҳлили.....	39
2.3. SIRKECHI TASHTEKSTIL МЧЖ қўшма корхонасининг ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш таҳлили.....	51
II боб бўйича хулоса.....	55
III боб. Енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш йўлларини такомиллаштириш.....	56
3.1. Енгил саноат корхоналарида экспорт ҳажмини ошириш йўллари.....	56
3.2. Енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш модернизациялаш йўллари билан ривожлантириш.....	60
III боб бўйича хулоса.....	72
Хулоса ва таклифлар.....	73
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	76

Кириш

Магистрлик диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Бугунги кунда экспортни ривожлантириш масаласи долзарб аҳамиятга эга. Шу маънода экспорт ҳажмини ошириш, унинг географиясини кенгайтириш амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Ҳозирги пайтда хорижга маҳсулот чиқарувчи корхоналарга ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришда кўмаклашилмоқда. Негаки, ишлаб чиқарувчиларни ташқи бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар, рақобатчиларга оид тадқиқотлар натижаси билан таништириш, транспорт-коммуникация тизимини ривожлантириш корхоналаримизнинг жаҳон бозорида обрў-эътибор қозонишини таъминлайди.

Юртимизда экспорт салоҳиятини ошириш ва маҳаллий корхоналар маҳсулотларининг дунё бозорига муваффақиятли кириб боришини таъминлаш учун ташқи савдо соҳасини янада эркинлаштириш зарур. Бундан ташқари, мазкур фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун бир қатор тадбирлар амалга оширилиши керак. Корхоналарни тузилмавий қайта қуриш ва техник модернизациялаш учун зарур ҳажмда молиявий воситалар ажратиш, экспортни кафолатлаш ва суғурта жамғармаларини ташкил қилиш, ҳар бир ҳудудда маркетинг тадқиқотлари марказини очиш каби вазифалар шулар жумласидандир. Қолаверса, экспорт лойиҳаларига кредит беришни қўллаб-қувватлаш ҳам бугуннинг талаби.

Ҳозирги пайтда ривожланган мамлакатларнинг экспорт билан боғлиқ тажрибаларини ўрганиш муҳимдир. Бу тажриба халқаро бозорга кириб боришнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев “иқтисодиётимизни жаҳон бозорига интеграция қилиш ва экспортни қўллаб-қувватлаш устувор вазифадир.

Келгуси йили экспорт ҳажмини 30 фоизга ошириб, 18 миллиард долларга етказишни мақсад қилиб қўймоқдамиз.